

“ 26 ” 04 2022 йил

Самарканд ш.

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарканд вилояти ҳудудий бошқармаси, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи директор Т.Н.Бобоев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва “Ўзбеккомуналлойихақурилиш ДУК” бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи директор Э.А.Мухамедалиев бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

1. Шартноманинг мавзуси

- 1.1. Булунғур тумани “Ғубдин” МФЙ “Янги Ўзбекистон” массивида қуриладиган кўп қаватли ўй-жойлар учун ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- 1.2. Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда ШНК 1.03.07-2010 Қурилишда меъморий-техник назорат тўғрисидаги низом талаблари асосида муаллифлик назоратни юритади.
- 1.3. Шартномани бажаришни бир томонлама рад этиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.4. Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган махсус тадқиқот турларини бажариш учун субпудрат шартномасини тузишга ҳақлидир.

II. Тарафларнинг вазифалари.

2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.1.1. Техник топшириқларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча ҳужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу объектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари якунлангунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштиради.

2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида дастлабки ишлаб чиқилган ҳужжатларни (техник топшириқларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган ҳужжатлар (лойиҳа-смета ҳужжатлар)ни фақат ушбу объект учун пудратчига топширишга ҳақлидир, лойиҳа-смета ҳужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга беришга фақат буюртмачи ташкилотини розилиги билан амалга оширилади.

III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати I-илова нархларни келишув баёнига асосан ҚҚС билан, 1 150 000 000 сўм.(Бир миллиард бир юз эллик миллион) сўм.
- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг 15% миқдорида, яъни 172 500 000 (бир юз етмиш икки миллион беш юз минг) сўм бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг ишларни бошлайди.

- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ молиялаштиради.

IV. Ишларни етказиб бериш тартиби

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофиқ белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни якунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган ҳужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланиб, бўнак тушган кунидан бошлаб **60 кун**.
- 4.5. Иш бошлаш вақти - бўнак тушган кунидан бошлаб
- 4.6. Буюртмачи бажарувчидан техник топшириқда кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилишни ўз зиммасига олади;
- 4.7. Агар бажарилган ишда нуқсонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичида тuzатилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

- 5.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинчи томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни қоплаш учун шартнома қийматига нисбатан 20 фоиз жарима тўлайди.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,4% миқдориди пеня ушлаб қолинади. кечиктирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкый жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Томонлар ўртасида ҳўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибиди ҳал этилади.
- 7.2. Шартномани бажаришди ва бекор қилишди шунингдек етказилган зарарни қоплашди пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаси улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибди Жавобгар жойлашган ҳудудидаги туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ

(Форс-мажор)

8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса:

Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.

8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қилади.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

XI . БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома ҳудудий газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кириди ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:

9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қилади ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Самарқанд вилояти
ҳудудий бошқармаси

Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой майдони, 1А
Тел.: 66-233-19-57

ШХР: 3011086018401906324110618

ИНН: 305979178

МФО: 00317, ОКЭД: 42210

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази
(ҲККМ)

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00014, ИНН: 201 122 919



Раҳбар
М.У. Т.Н.Бобоев
(имзо)

“O'ZBEKKOMMUNALLOYHQAQRILISH”
ДУК

Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1
Тел: 71-234-16-07, 71-234-80-82

Ҳ/Р: 2021 0000 8001 0150 0001

Банк: АКИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали

ИНН: 201 059 118

ОКОНХ: 66000, МФО: 00423

ОКЭД: 71120

ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165



Бош директор:
М.У. Э.А.Мухамедалиев
(имзо)

2022 йилдаги 22 апрелдаги
16-ВК/2022-сонли шартномага
1-илова

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ

Шартнома бўйича ишларнинг номи ва уларни амалга оширишнинг асосий босқичлари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар	Бажариш муддатлари		Шартнома нархи	
		Бошлаш	Тугатиш	Шартнома нархи %да	минг сўм
“Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, “Ўбдон” МФЙда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш” лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	Лойиҳалаш топширигига мувофиқ лойиҳа ҳужжатлари	Олдиндан тўлов ўтказилган кундан бошлаб	60 кун	100%	1 150 000,0

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси



Раҳбар:

Т.Н.Бобоев
(имзо)

“Бажарувчи”

“О’ЗБЕККОММУНАЛЛОЙНАҚУРИЛИШ”
ДУК



Бош директор:

Э.А.Мухамедалиев
(имзо)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Т.Бобоев
2022 йил

Танлов ўтказиш бўйича «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси

БАЁНИ

01 (22) -сонли

«23» 04 2022 йил

Йиғилишда «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича Инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 16 июлдаги 39 и/ч – сонли буйруғининг тасдиқланган вилоят танлов комиссияси таркиби:

Комиссия раиси - Т. Бобоев

- Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Комиссия котиби - А.Насимов

- «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича Инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бош муҳандиси.

Комиссия аъзолари:

- Шамсиев Қ

- «Иқтисодий масалалар бўйича» директор ўринбосари

- Низамов И.

- «Маркетинг, танлов савдоларини ташкил қилиш ва хўжалик шартномавий муносабатлар ва молиялаштириш» бўлими бош муҳандиси.

- Тошпўлатов А.

- «Бирламчи-руҳсат берувчи, лойихавий ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш» бўлими бошлиғи.

- Нармурадов Ў.

- Лойихаларни бошқариш ва қурилишни техник жихатдан кузатиб бориш бўлими бошлиғи.

- Ибрагимов А.

- Бошқарма ҳуқуқшуноси.

Комиссия таркибидан Лойихаларни бошқариш ва қурилишни техник жихатдан кузатиб бориш бўлими бошлиғи Нармурадов Ў., Бошқарма ҳуқуқшуноси Ибрагимов А. Узрли сабабга кўра комиссия йиғилишида қатнаша олмадилар.

Кун тартиби

«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси Булунғур тумани "Ғўбдон" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш объекти бўйича йиғилишда бошқарма комиссия аъзоси Қ.Шамсиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2021 йил 9 декабрдаги «Янги Ўзбекистон массивларини қуриш ва ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-32-сонли қарорига асосан объектнинг лойиха-қидирув ишларини тайёрлатиш бўйича лойиха ташкилотларини танлаш, лойихани сифатли, ўз муддатида бажариш ва бошқа масалалар ва лойиха-қидирув ишларини бажариш учун бўйича лойиха ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилган.

Булунғур тумани "Ғўбдон" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш объекти бўйича лойиха-қидирув ишларини бажариш бўйича бош лойихачини танлаш учун бўлиб ўтадиган танлов савдоси ҳақидаги эълон махсус ахборот порталида 2022 йил 17 апрел куни ЛОТ №22110012069460 билан жойлаштирилган.

Мазкур лот бўйича 2022 йил 21 апрелдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ДУК “Ўзбеккоммуналлойихакурилиш” корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомидан давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма бош муҳандисига:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 21 апрелдаги электрон баённомасига асосан ғолиб ДУК “Ўзбеккоммуналлойихакурилиш” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Қ. Шамсиев



А.Насимов



И. Низамов



А. Тошпўлатов

